



Азиз ота-оналар, бу дарс Банда Роббисини кандай танийди? саволи атрофида бўлади. Сизларга турли нарсаларни фарзандларингизга кўрсатиб, уларнинг яратувчиси Парвардигор эканини тушунтиришишингиз тавсия килинади. Аллоҳ таоло бундай мархамат килади: *Тун, кун, куёш ва ой Ул зот оят-белгилариданdir. Сизлар куёшга хам ойга хам сажда килманглар. Агар сизлар Ул зотнинг Ўзигагина ибодат килмокчи бўлсангиз, уларни яратган Аллоҳга сажда килинглар* (Фуссилат 37).

1. Савол: Болажоним, Хар бир одам Аллохнинг кули, бандасидир. Айтгинчи, банда ўз яратгувчиси бўлган Роббисини кандай танийди?

Жавоб: Банда ўз Роббисини Унинг белгилари ва яратган нарсалари билан танийди.

2. Савол: Ул зотнинг белгилари кайсилар?

Жавоб:

Коронгу бўлиб кечкурун бўлиши, кейин ёруг бўлиб кундузи бўлиши кабилар.

3. Савол: Ул зотнинг яратган нарсалари кайсилар?

Жавоб:



Осмонлар, ер, дарахтлар, тоглар, инсонлар, хайвонлар, денгизлар ва бошкалар.

4. Савол: Болажоним, Аллохдан бошка яна бирор яратувчи борми?

Жавоб: Йўқ дадажон, яратувчи факат Аллохнинг Ўзидир.

5. Савол:

Мана кара болажоним, мана шу олмани ё узумни Аллох яратган.

Айтгинчи одам хам шу

нарсаларни ярата оладими?

Жавоб: Хечам ярата олмайди.

6. Савол:

Болажоним, хайкалларни ким ясайди?

Жавоб: Хайкалларни одам одамга караб

ясайди, одамга карамаса ясай олмайди. Ва улар ўлик. Уларда хеч  
качон жон

бўлмайди ва улар фойда келтирмайди хамда зарарни хам кетказа  
олмайди.